



Ўзбекистон Республикаси
Олий суди



Ўзбекистон Республикаси
Коррупцияга қарши курашиш
агентлиги

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ ВА
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ
КУРАШИШ АГЕНТЛИГИ ЎРТАСИДАГИ ЎЗАРО
ҲАМКОРЛИК ТҮҒРИСИДАГИ**

К Е Л И Ш У В

ТОШКЕНТ - 2020

**Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Ўзбекистон Республикаси
Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ўртасида
ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги
КЕЛИШУВ**

Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги (*кейинги ўринларда Томонлар деб аталади*), мамлакатимизда коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш, давлат ва жамият қурилишининг барча соҳаларида коррупциоген омилларга чек қўйиш, давлат органлари зиммасидаги вазифа ва функцияларни бажаришда юзага келадиган коррупцияга оид хавф-хатарларни бартараф этиш, давлат хизматига ҳалоллик стандартларини жорий этиш ва коррупцияга қарши курашиш соҳасида мақсад ва вазифаларнинг изчил амалга оширилишини таъминлаш борасидаги ҳамкорликни қўллаб-қувватлаш ҳамда ривожлантириш мақсадида, қўйидагилар тўғрисида келишиб олдилар:

**1-модда
Келишув мақсади**

Ушбу Келишувнинг асосий мақсади коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасида илмий ва амалий тадқиқотлар олиб бориш, соҳадаги коррупция ҳолатини тизимли таҳлилини ҳамкорликда амалга ошириш, шунингдек, коррупцияга оид хавф-хатарлар юқори бўлган соҳалар ҳамда коррупцияга оид ҳукуқбузарликлар содир этилишининг сабаб ва шартшароитларини чора-тадбирлар орқали биргаликда аниқлашдан иборат.

**2-модда
Ҳамкорлик йўналишлари**

Томонлар Келишувга асосан қўйидаги йўналишларда ҳамкорлик қиласидилар:

коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасида илмий ва амалий тадқиқотлар олиб бориш;

ўтказилган тадқиқотлар натижасида коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасини такомиллаштиришга қаратилган норматив-хукукий хужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш;

коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасидаги қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан халқаро стандартларни ва илғор

хорижий амалиётни ўрганиш ва миллий қонунчилликка имплементация қилиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш;

мамлакатнинг Ҳукуқ устуворлиги индекси (The Rule of law index) ва Коррупцияни қабул қилиш индекси (The Corruption perceptions index) бўйича халқаро рейтинглардаги ўрнини яхшилаш мақсадида бу борада тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг коррупцияга қарши экспертизаси самарадорлигини таъминлаш бўйича тегишли чора-тадбирларни амалга ошириш;

соҳадаги коррупция ҳолатини тизимли таҳлилини амалга ошириш ҳамда аниқланган камчилик ва муаммоларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

статистик маълумотлар, ахборотлар, маълумотлар ва таҳлилий ҳужжатларни ўзаро алмашишга амалий ёрдам кўрсатиш;

суд тизими ходимлари ўртасида одоб-аҳлоқ қоидаларига амал қилиш, коррупцияга тоқатсиз муносабатни ва унга қарши курашиш маданиятини шакллантиришда, коррупцияга қарши кураш соҳасида фаолият юритувчи кадрлар малакасини оширишга кўмаклашиш;

фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий онгини ошириш, жамиятда иқтисодий ва коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш;

аҳоли билан очиқ мулоқотларни тизимли равишда ташкил қилиш;

ҳамкорликда амалга оширилган ишларни оммавий ахборот воситаларида ҳамда томонларнинг расмий веб-сайтларида кенг ёритилишини таъминлаш.

3-модда **Ҳамкорликнинг шартлари**

Ушбу Келишувнинг шартлари жамоатчилик асосида ташкил этилади ва моддий ҳаражатларни талаб этмайди.

4-модда **Келишувни амалга оширишга маъсуллар**

Томонлар ушбу Келишувни амалга оширишда тегишли ишчи гурухларни тузади ҳамда уларга амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирларни тақсимлаб беради.

5-модда
Низоларни ҳал қилиш

Ушбу Келишув қоидаларини талқин қилиш, бажариш ва қўллашда Томонлар ўртасида вужудга келадиган ҳар қандай келишмовчилик ёки низолар Томонлар ўртасида ўзаро маслаҳатлашувлар ёки музокаралар йўли билан дўстона равишда ҳамжиҳатлик асосида ҳал қилинади.

6-модда
Бошқа қоидалар

Томонлар ушбу Келишувнинг 2-моддасида назарда тутилмаган бошқа йўналишларда ҳам ўзаро келишув орқали ҳамкорликни ўрнатиши мумкин.

7-модда
Меморандумнинг кучга кириши,
амал қилиши ва ўз кучини йўқотиши

Ушбу Келишув имзоланган кундан эътиборан кучга киради ва номуайян муддатга амал қиласи. Томонларнинг ўзаро розилигига асосан, мазкур Келишувга ёзма равишда тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиши мумкин бўлиб, улар алоҳида баённома орқали расмийлаштирилади.

Келишувнинг амал қилишини тугатишга Томонларнинг биридан мазкур Келишув амал қилишини тугатиш ҳақида ёзма хабарнома бериши асос бўлади.

Юқоридагиларни тасдиқлаб, мазкур Келишув қўйида ваколатли имзо чекувчилар томонидан имзоланди.


Тошкент шаҳрида 2020 йил 30 ноябрь куни 2 (икки) нусхада ўзбек тилида тузилди.

Ўзбекистои Республикаси
Олий суди раиси



К. Камилов

Ўзбекистон Республикаси
Коррупцияга қарши курашиш
агеитлиги директори



А. Бурханов